

СУБКООЛКВИАЛ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Отақулов Н.Б.
ЎзМУ.

Аннотация. Мазкур мақола ўзбек ва француз тилларида субколлоквиал фразеологик бирликларнинг лисоний хусусиятлари бўйича тадқиқотчиларининг ишлари таҳлилини ўрганишга бағишланган. Шу билан бирга, СФБлар бир томондан ҳиссий-экспрессив мазмуннинг бойлиги билан иккинчи томондан эса улардаги ифоданинг қуйилиги билан ажралиб туриши ҳамда СФБнинг экспрессив ва стилистик хусусиятлари ўрганилган.

Калит сўзлар: субколлоквиал, фразеологизм, коллоквиалистика, соддатил, экспрессив, стилистик.

Соддатил лексика даражасини аниқлашда биз “субколлоквиал ФБлар” атамасини ишлатамиз, бу атама кўриб чиқиладиган ҳодисаларни энг кўп адекват акс этиради. Стилистик соддатил лексиканинг ФБлар ҳақида субколлоквиал фразеологизмлар тўғрисида сўз юритамиз ҳамда соддатил лексикасининг юқори чегарасини белгилаб, нейтрал ФБлардан эмас, балки сўзлашувга оид ФБларга эътибор қаратамиз (инглиз тилида “*colloquial*” - сўзлашувга оид ва “*sub colloquial*” – соддатил лексикаси, содда сўзлашувга оид деган маънони англатади). Субколлоквиал фразеологик бирликлар деганда биз кўпол, теккизиб, ачитиб, қичитиб, ҳазил қилиб, киноя, кесатиш, сўкиш, уришиш, жанжаллашиш, экспрессив, кесатиқ, камситиш, пастга уриш, нафратни билдирадиган, сўкиш, эркалатиш, танбех, завқли, қувончли, кичрайтириш, бўртириш ёки кучайтириш, юқори услуб, дабдабали, ҳурматни ифодаладиган, менсимасликни билдирадиган, узрли, бетакаллуф, мазах қилиш, кулгили, хўрлаш, сўкиниш, беҳаёлик каби стилистик фарқлаш шкаласида сўзлашувга оид ФБлардан пастдаги позицияни эгаллаган ФБларни тушунамиз¹⁶⁹.

Европа лингвистик олимларидан бири Валентин Дмитриевич Девкиннинг таъкидига кўра, “коллоквиалистика” атамаси кундалик норасмий тилни ўрганишни англатади ёки одатда “сўзлашув нутқи” деб аталади¹⁷⁰. Коллоквиалистика термини Девкин томонидан илмий фойдаланишга киритилган. Ушбу термин ихчам, бир сўзли ва таърифлаб бўлмайдиган исм сифатида қулайдир. Лотин тилидаги “*colloquium*” “суҳбат” сўзидан келиб чиққан сўзлар француз, испан, италян, инглиз, немис ва бошқа тилларда ҳам кенг тарқалган, тилшуносликда “сўзлашув тилига хос бўлган сўзлар ва иборалар”¹⁷¹ деган маънони англатувчи “коллоквиализм” атамаси қўлланилади.

Сўнгги ўн йилликларда нутққа қизиқиш сезиларли даражада ошди. Н.Б.Шведова, Э.Г. Ризел, В.Д. Девкин, Э.А. Земская, О.Б. Сиротинина, О.А. Лаптеванинг асарларида коллоквиал ўзига хосликни ўрганиш назариясининг кўплаб масалалари ишончли тарзда ҳал қилинди. Бироқ, тилнинг сўзлашув шакллари тавсифлашнинг умумий лингвистик тамойилларини кўриб чиқишга бағишланган монографик асарлар ҳали мавжуд эмас.

¹⁶⁹ Отақулов Н.Б. Субколлоквиал фразеологик бирликларнинг экспрессив – стилистик характеристикаси. НамДУ, Илмий ахборотнома, 2022 й, 3-сон, 465-б.

¹⁷⁰ Девкин В.Д. Немецко-русский словарь разговорной лексики. Автор: В.Д.Девкин. Словарное издательство ЭТС. М., 1974, С3.

¹⁷¹ Ахманова О.С. «Словарь лингвистических терминов» О. С. Ахмановой 1969.

Субколлоквиал фразеологик бирликлар бир томондан, ҳиссий-экспрессивликка бойлиги билан, иккинчи томондан, улардаги ифоданинг пастки қисмига чизик чизилганлиги билан ажралиб туради. СФБнинг экспрессив ва стилистик хусусияти *норозилик, нафрат, истеҳзо, газаб, танқиднинг ҳиссий кўринишлари* билан ажралиб туради: *pisser de la copie* (ёки *sa copie*) – (газетага мақолалар ёзмоқ) ўз хўжайинига қарши чиқиш, *prendre la vache et son veau* – боласи бор аёлга уйланмоқ, *bouffer des briques* – оч қолмоқ, *régaler ses amis* – ичини тозаламоқ, сурги қилмоқ; *avoir barbe* – роса (ўлғудай) ичмоқ, отиб (ичиб) олмоқ, маст бўлмоқ; *tomber dans la dèche* – пулсиз ўтирмақ, бир тийини (сарик чақаси) ҳам йўқ бўлмоқ, қашшоқликда, муҳтожликда яшамок, қашшоқликка тушмоқ; *emballer une fille* – қизни ўзига мойил қилмоқ ва б.

Ўзбек тили жуда бой тил бўлганлиги сабабли, оғзаки содда тилда ишлатиладиган фразеологизмлар ҳам талайгина, масалан: *димогига қурт тушиди, димогидан эшак қурти ёғилади* – ўта даражада кеккайиб, кибр-ҳаволи бўлмоқ¹⁷²; *тўнкага ўхшаган* - бирор кимсага ёки нарсага эътиборсиз киши ҳақида; ҳеч нарса ни тушунмасдан тўнкадай турадиган киши ҳақида; *гўрга киргизмоқ* – уялтирмоқ; *адо қилмоқ* - уялтирмоқ; тугатмоқ; *ўзини ўту-чўққа урмоқ* – қўлидан ҳеч нарса келмаса ҳам ҳар хил ишга қўл урмоқ; *бошини айлантирмоқ* – бирор бир қизни ўзига ром қилмоқ; *оёқда туролмайди* - маст ҳолда, зўрға-зўрға, аранг юрмоқ каби СФБ учратишимиз мумкин.

Шу билан бирга, субколлоквиал фразеологик бирликларга мисол қилиб, “*ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ*” иборасини олсак, бу ибора кўроқ қандай иш қилишидан қатъий назар, яхши иш қилса ҳам, ёмон иш қилса ҳам ёмон кўриниб қолувчи инсонларга нисбатан ишлатилади. Халқимиз орасида жуда кенг тарқалган субколлоквиал фразеологик бирликларидан “*Ғунажин кўзини сузмаса, буқа ипини узмайди*” мисол тариқасида оладиган бўлсак, “*ғунажин*” – аёл киши образида, “*буқа*” - эса эркак киши образида келган бўлиб, маъноси аёллар кўзини сузмаса, эркаклар аёлларга гап отмайди, ишқий муносабатга чорламайди деган маънони англатади.

Шунингдек, “*Тоққа чиқмасанг, дўлона қайда*” ибораси ҳам халқимиз орасида тез-тез такрорланиб туради, “*Тоғ*” сўзи уйланиш маъносида, “*дўлона*” эса аёл киши маъносида қўлланилиб, субколлоквиал фразеологик бирликларга айнан мисол бўла олади. “*Тегинмагин калга, ўзи келар ҳолига*” фразеологик бирлиги ҳам асосан кундалик ҳаётимизда оғзаки нутқимизда кўп қўлланилади. “*кал*” субколлоквиал сўзи айнан сочи йўқ одамларни эмас, балки “*кал*” субколлоквиал сўзи ортида яширинган қандайдур жисмонан ёки ақлан камчилиги бор одамларга нисбатан ишлатамиз. Масалан: ўзи бошидан ўтказиб ўзининг қилмишларини англаб етмагунча ичи қора, иккиюзламачи, инсофсиз инсонларга қанча танбех берсангиз ҳам ўзгармайди, деган маънода қўлланилади.

ФБларнинг содда сўзлашув тилига оидлиги уларнинг таркибида содда сўзлашув тилида қўлланиладиган сўз ва ибораларнинг, дағал сўзларнинг, соматизмларнинг, эскирган сўзларнинг, диалектизмларнинг, кенг тарқалган атоқли отларнинг, инс-жинсларни тилга олишининг, ҳайвонлар номларининг мавжудлиги билан аниқланиши мумкин, француз тилида олинган мисоллардан: *Jean farine* – соддадил одам, гўл одам; *tête de cochon* – эшакдай ўжар, қўйдаи тихир; *coup de lapin* – гарданга ўлдирадиган даражадаги оғир зарба; *tirer ses grègues* – дов-дастакни йиғиштириб жўнамоқ, жуфтакни ростламоқ, қочиқ қолмақ; *la fin des haricots* – шу билан тамом, иш тамом вассалом; *crever à la peine* – зўр келиб узилиб

¹⁷² Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 74-б.

кетмоқ, зўриқиб (уриниб, кучаниб) шикаст топмоқ (орттирмоқ), шикастланмоқ, лат емоқ, путурдан кетмоқ, ишдан чиқмоқ; *faire une vadrouille* – уриш-жанжал (тўполон) қилмоқ, уриш-жанжал чиқармоқ, уриш-жанжал чиқариб тартибни бузмоқ, айш-ишрат қилмоқ, ичкиликбозлик қилмоқ; *serrer les fesses* – кўркмоқ, ҳайқмоқ, чўчимоқ; *prendre son pied* – маза (хузур, гашт) қилмоқ, завқланмоқ, роҳатланмоқ, сел бўлмоқ, хуш ёқмоқ ва б.

Ўзбек тилида учрайдиган мисолларни кўрадиган бўлсак, *бўри еб кетармиди* – ҳеч нарса ўлмайдиган¹⁷³; *бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирмоқ* – арзимаган нарсани деб жаҳл устида ножўя, зарарли иш қилиб қўймоқ; *жин урди (жин тегдими?)* – дард-иллатга чалинди; *жиннилик қилмоқ* – аҳмоқлик (тентаклик) қилмоқ; майнабозчилик қилмоқ, бемаза қилиқлар билан масхарабозлик қилмоқ, қизикчилик қилмоқ; ўзини тентак қилиб кўрсатмоқ;

Кўриб чиқиладиган қатлам, бир томондан, ҳиссий-экспрессив мазмуннинг бойлиги билан иккинчи томондан, улардаги ифоданинг куйилиги билан ажралиб туради. СФБнинг экспрессив ва стилистик хусусиятлари норозилик, менсимаслик, истехзо, нафрат, қоралашнинг ҳиссий мазмуни билан ажралиб туради.

Стилистик чегараларнинг ҳаракатчанлиги бу ҳодиса замонавий тилшуносликнинг долзарб масаласидир. Бу ҳодиса ягона тил ривожланишидаги ички янгиланиш тенденцияларга ҳам, демократлаштиришга олиб келадиган экстралингвистик сабабларга ҳам боғлиқ. Стилистик жиҳатдан қисқартирилган фразеология меъёрий жиҳатдан бир хил қатламдир, шунинг учун сўзлашув фразеологик бирликлари биринчи бўлиб услублараро фразеологик бирликлар тоифасига қиради, сўнгра умумий арго/жаргоннинг фразеологик бирликлари ва шундан кейингина сўзлашув фразеологик бирликлари қиради.

Тилни демократлаштиришга объектив жараён сифатида қараш керак, уни тубдан пуристик ёки тубдан нормаллаштиришга қарши ёндашиш керак эмас. СФБни объектив воқелик сифатида кўриб чиқиш ва миллатда мутаносиблик ва дид ҳиссини изчил ривожлантириш керак.

Албатта, биз хоҳлаймизки йўқми тилда янги иборалар пайдо бўлиб бораверади, даставвал булар асосан оғзаки нутқда пайдо бўлиб, кейин секин-аста оммалашиб боради.

¹⁷³ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 58-б.